



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Samarqand sh., Ko‘ksaroy maydoni, 1-uy.**

2021 - yil 19 - oktabr

79-7-0-Q/21

Samarqand viloyat hokimligi

**Нуробод туман Мактабгача таълим бўлими негизида “Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотига янги бино қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6243-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида”ги 543-сонли қарори талабларига мувофиқ, Нуробод тумани Мактабгача таълим бўлими негизида “Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан 60 ўринли мактабгача таълим ташкилотига янги бино қурилишини амалга ошириш мақсадида

### **Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:**

1. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси буюртмачилигида Нуробод тумани “Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғини худудидан Нуробод туман Мактабгача таълим бўлимига 60 ўринли мактабгача таълим ташкилоти янги биносини қуриш мақсадида кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,25 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Ҳамидов), “Шаҳарсозлик хужжатлари экспертизаси” ДУК Самарқанд филиали

(Ш.Илмуратов) ва вилоят қурилишда тендер савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази (С.Гулямов):

мазкур объектларнинг белгиланган тартибда лойиҳаолди шахарсозлик ҳужжатларини ўз муддатида ишлаб чиқиб тасдиқлаш;

экспертиза хулосаларини олиш ва тендер савдоларини ўтказиш чораларини кўрсин.

3. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов) вилоят Қурилиш бош бошқармаси (Л.Хамидов), “ЎзГАШКЛИТИ” ДУК Самарқанд филиали (Ғ.Бекбоев) билан биргаликда ажратилган ер майдонлари чегараларини жойида (натурада) белгиласин.

4. Вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси (С.Зиядуллаев), тегишли лойиҳа ташкилоти (лойиҳа муаллифи), вилоят Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси (Х.Жабборов):


мазкур объектнинг қурилиш-монтаж ишларида қурилиш сифати юзасидан техник, муаллифлик ва давлат назоратини қатъий олиб борилишини;

объектда белгиланган қурилиш-монтаж ишларини тасдиқланган режа-график асосида бажарилишини ва фойдаланишга топширилишини таъминласин.

5. Давлат кадастр агентлиги вилоят бошқармаси (Ф.Худойкулов), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (Я.Давронов), Нурабод тумани ҳокимлиги (Ф.Заиров) билан биргаликда мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан ажратилган ер майдонини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда туман ер ҳисоботи (баланси)га тегишли ўзгартиришлар киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Шукуров зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов